

# Жорий-таъмирлаш ишларини бажариш бўйича

№ 8 - сонли пудрат

## ШАРТНОМАСИ

FL62043858

2022 йил «20» 07

12-6-86-ХТ/2022-сон

Уйчи ш.

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Уйчи туман ХТБ** номидан низом асосида иш курувчи **М.Мўминов** бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **«Нахл Гранд» МЧЖ** номидан **Хамдамов Н** иккинчи томондан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги **2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли** конун талабига асосан пудрат шартномасини туздилар

### I.Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома буйича «Буюртмачи» тасарруфидаги **22-Сонли ИДУМ биносини жорий таъмирлаш** ишлари мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ обьектларни Жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланганд тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II.Умумий шартлар

- 1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида хисобга олинади хамда тўлов учун тақдим этилади.
- 2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.
- 3.Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28-кунигача Пудратчи томонида Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.
- 4.Буюртмачи Пудратчи дан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз хисобидан бартараф этади.

### III.Пудратчининг мажбуриятлари

- 1.Барча ишларни мазкур шартномада наъзарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.
- 2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомда субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг ном ва манзили тўғрисида хабардор қилиши.
- 3.Курилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкани муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.
- 4.Мазкур шартномада наъзарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 5.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг тўлиқ уз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.
- 6.Таъмирлаш давомида лойиха смета хужжатларида хисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва курилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

### IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

- 1.Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини наъзарот килиш. Пудратчидан узатилган ишларини қабул қилиб олиш.

Кўриб чиқарган торист: SULTONOVА ZUHRAYA JURABOEVНА. Хужжат раҳами: 6777748260

2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3.Мазкур шартномада наъзарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **V.Тўловлар ва хисоб-китоблар**

1.Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **149 756 324 (Бир юз қирқ тўққиз миллион етти юз эллик олти минг уч юз йигирма тўрт)** сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов / тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма хисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш хақи тўловларининг ошишига боғлик равишда ўзгармайди.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30 фоиз микдорида аванс ўтказади, бу эса **44 926 897.2 (Қирқ тўрт миллион тўққиз юз йигирма олти минг саккиз юз тўқсон этти)** сумни 2 тийинни ташкил қиласди. Қолган тўловлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 15 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3.Хисоб – китоб шакли: Пудратчининг банқдаги хисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини **«20» июль 2022 йилдан бошлаб «20» август 2022 йилгача** тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишларини муддатидан олдин бажариш хукукига. Бундай холатда узил-кесил хисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу хақида қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишида хабардор қилиш керак.

#### **VI.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

1.Пудратчи объектнинг ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларни бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун хаққини ўз вактида тўламаганлик учун Таъминотчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0.4 фоиз микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

2.Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларни бажарилмаган кисмининг 0,4 фоиз микдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3.Пеня тўлаш Пудратчини ишларнинг бажарилишининг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

#### **VII. Низоларни хал этиш тартиби**

1.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этаолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан куриб чиқилади.

#### **VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари**

1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари туфайли ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва агар бу

холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бунда тўлик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2.Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутоносиб равишда узайтирилади.

3.Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлар ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вақтга чўзилса у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини мухокама қиладилар.

### IX.Шартномани бекор қилиш

- Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда
- Конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга
- Пудратчи томонидан шартлари тозалаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда
- Объектда таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб қўйилганда.
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қўйилганда конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.
- Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
- Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно.

### X.Алоҳида шартлар

- Мазкур шартнома имзолангандан кейин мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасида барса олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучин йўқотади.
- Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари. Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга эмас.
- Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, хақиқий хисобланади.
- Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун нормалари кўлланилади.
- Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.
- Шартнома томонлар имзоланиб, Газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради. Амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

#### «ПУДРАТЧИ»

**“Нахл Ганд” Масулияти чекланган жамият**  
**Манзил:** Намангандар вилояти Уйчи туман  
**Шифокор МФЙ Ғ.Ғулом кўча № 15**  
**Х/Р: 2020 8000 3010 4370 5001**  
**ИНН: 306 203 422**  
**Банк:** Агробанк Уйчи филиали  
**МФО: 00244**



Рахбар:

Хамдамов Н

М.У

#### «БУЮРТМАЧИ»

Уичи туман халқ таълими бўлими  
**Манзил:** Уичи туман Беруний қўчаси 60-уй  
**Ш.Х.В 100022860142297092100075054**  
**ИНН: 200 099 575 ОКОНХ: 97600**  
**Уз Рес Молия Вазазирлиги Газначилиги**  
**Газна х/р 23402000300100001010**  
**«Марказий Банк Тошкент ХККМ»**  
**МФО:00014. ИНН 201122919**

ХТБ мудири



М.У

М.Мўминов

**YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**  
№-FL62043858

**1. loyihaning turi:** Pudrat shartnomasi.

**2. Loyihaning nomi:**

22-sonli ixtisoslashtirilgan davlat umumiy maktabini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:**

Uychi tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022 yil 20-iyul kuni ishlab chiqilgan va mazkur dasturga kiritilgan.

**4. Hujjatni qonuniyligini o'rganishga asoslar:**

-O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli Qonuni,

-O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 364, 666, 668, 673, 676-moddalari;

-O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagи "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-sonli Qonuni;

-Tuman XTB Tanlov komissiyasini eng yahshi taklif g'olibini aniqlash bo'yicha 20.07.2022 yildagi muxokama axboroti.

**Xulosa:** Uychi tuman xalq ta'limi b'o'limi bilan NAHL GRAND MCHJ o'rtaida Mukammal ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha 20.07.2022 yilda tuzilgan 08-sonli pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga, qonunchilik texnikasi qoidalariga muvofiq ishlab chiqilgan. Havola qilingan normalarning qo'llanilishi asosli va maqsadga muvofiq, shuningdek, loyiada korrupsiyaga sabab bo'ladijan omillar mavjud emas. Shu sababdan ushbu buyruq loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti :



Z.Sultonova

2022 yil «20» iyul

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

« 20 » июль 2022 йил

Уйчи тумани

Наманган вилояти худудидаги Уйчи туман ХТБ ташкилоти томонидан 2022 йил «05» июлдаги 22110012118913 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйчи туман ХТБга қарашли 22-мактаб биносида “жорий таъмирлаш” ишлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўtkазилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Нахл Гранд” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юкоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи ташкилоти раҳбари

Давлат буюртмачи ташкилоти бош хисобчиси

Давлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахассис



М.Мўминов

О.Махкамов

Ш.Б.Мамажонов